



№ 61/10-5

20 20 yil " 11 " 11/2016

**Карантин чораларини юмшатиш доирасида фаолиятига рухсат берилган соҳалар, хусусан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо корхоналарида санитария қоидаларига қатъий амал қилиниши тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туман санитария эпидемиология осойишталик маркази (А.Хасанов)нинг Карантин чораларини юмшатиш доирасида фаолиятига рухсат берилган соҳалар, хусусан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо корхоналарида санитария қоидаларига қатъий амал қилиниши тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин;

2. Туман санитария эпидемиология осойишталик маркази (А.Хасанов), Тошкент шаҳар ДСЭНБ Учтепа туман филиали (Л.Салимова), Учтепа тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бошлиғи (М.Дадаходжаева) ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда:

- Туманда тиббиёт ташкилотлари бино-иншоотларининг дезинфекция воситалари билан тизимли равишда ишлов берилишини таъминлаш

Санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, яшаш муҳитини, хавфсизлигини ва инсон соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш, санитария эпидемиология осойишталик маркази фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни изчиллик билан давом эттириш чоралари кўрилсин;

- Тадбиркорларга санитария қонунчилиги доирасида маҳорат дарслари ўргатиш, уларни санитария қоидалари ва меъёрларига риоя қилишларини таъминлаш борасида семинарлар ташкил этиб борилсин.

3. Ушбу қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошка институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари Б.Мирзаев зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа  
туман Кенгаши раиси

Ф.Абдуллаев